

29-сонли шартнома
(Хизмат кўрсатиш тўғрисида)

Тошкент ш.

2022 йил “07” март

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги номидан низом асосида иш юритувчи Абдурахмонов И. бир томондан (бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритилади) ҳамда “**Bobur Buildings**” Маъсулияти чекланган жамият номидан низом асосида иш юритувчи Сафагараев С.М., иккинчи томондан (бундан буён матнда “Бажарувчи” деб юритилади) куйидагилар ҳакида мазкур шартномани туздик:

I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Бажарувчи” ушбу Шартнома 1-иловасида кўрсатилган спецификацияга мувофик совутиш-иситиш ва шамоллатиш тизимларига техник хизмат курсатиш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳакини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг катъий турлари, микдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

II.ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуклари:

- бажарувчидан техник (топширик)шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хохишига кўра куйидагиларни талаб қилиш;
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофик кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуклари:

- буюртмачидан амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва хажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган заарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофик ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник тошпириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичida аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси **473 000 000,00** (Турт юз етмиш уч миллион) сўм, КҶС сиз.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб-рақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактура имзоланганидан кейин беш иш куни ичida амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб-рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажарышдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома

шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси хисобварак-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Газначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳаклидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник тоширикка киритилган бошка номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган хисобварак-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (кўлда), поча орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (кўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмии кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳакли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аникланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда кайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага кўшимча равишда мижозга

нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган заарни қоплади.

5.4. Хизматлар кечикирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечикириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечикирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган заар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал килинмаган низолар иктисадий суд оркали ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада

белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки кисман тўғри бажаришига тўсқинлик киладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнгин, тошқин, зилзила, бошка табиий оғатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар харакатлар, террористик харакатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан қабул килинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат хакида шунингдек, ҳолатиий тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичida хабардор килиши шарт. Агар юкорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос килиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юкоридаги ҳолатларни келтириш хуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик киладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ун) иш кун олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор килиш хуқукига эга. Бундай ҳолда томонларнииг ҳеч бири бошка томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб килишга ҳакли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда

Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки кимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларниг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ўар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуслар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

— бошқа контрагентлар билан таққослагандан асоссиз устунликларни тақдим этиш;

— ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

— амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

— ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффоғлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор килишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларниг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳакли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабарини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини қўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қиласди. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупцияниг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун окилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироқи хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор килинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар маҳфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ маҳфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва хисоб-китоблар тулиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартлари

сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор килиниши мумкии.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қиласди.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб амалга оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

Бажарувчи:

ООО “Bobur Buildings”
Х/р 20208000800659329001
Банк реквизитлари: ЧАКБ
«Davr Bank» Юнусобод ф-ли
МФО: 01122
ИНН: 304 272 244
ОКЭД: 43990

Буюртмачи:

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазирлиги
Х/р 23402000300100001010
ШХВ 400110860262807014301254001
Банк реквизитлари: ХККМ МБ
Тошкент ш.ББ
МФО:00014, ОКЭД: 84111
ИНН: 305166715, ИНН каз: 201122919

Бажарувчи раҳбари

Сафагараев С.М
(Ф.И.О.)

(имзо)



Буюртмачи раҳбари

И.Абдурахмонов
(Ф.И.О.)

(имзо)



Б.Чибиров

F. Sh

**2022 йил 07-мартдаги 29-сонли ШАРТНОМАга
1-Илова**

Кўрсатиладиган хизмат СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

№	Хизмат номи	Улчов бирлиги	Сони	Бир дона нархи ҚҚС сиз	Умумий нархи
1	Совутиш-иситиш ва шамоллатиш тизимларига техник хизмат кўрсатиш (Техническое обслуживание системы вентиляции и кондиционирования)	хизмат	11	43 000 000	473 000 000
Жами:					473 000 000

Кўрсатиладиган хизмат бўйича шартноманинг умумий қиймати:
473 000 000,0 (Тўрт юз етмиш уч миллион) сўм, ҚҚСсиз.

Томонлар имзоси


Буюртмачи номидан

el.10-0 Абдурахмонов И.Ю.



Бажарувчи номидан

 Сафагараев С.М



**2022 йил 07-мартдаги 41-сонли ШАРТНОМАга
2-Илова**

**Коррупцияга карши курашиб буйича
АСОСИЙ ШАРТЛАР**

1. Тарафлар шартнома буйича уз мажбуриятларини бажараётганда Узбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашиб тугрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган хар кандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф килмайди, ваъда бермайди, товламачилик килмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган холда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян харакатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий кимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу харакатларга йул куймаслик буйича чоралар курилишига кафолаг беради.

2. Агар шартнома буйича бир Тараф ходимнинг ахлокка тугри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Узбекистон Республикаси конун хужжатларига зид келадиган хатти-харакатларига, шу жумладан, коррупцияга оид хукукбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат булган фактларга дуч келса, бу хакда куйидаги алоқа каналларидан бири оркали хабардор килиши керак:

“1008” ишонч телефоны;

Телеграм-канали (“@anticorbot”);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “яrim кора” шрифтда баён этилади.

Томонлар имзоси

Буюртмачи номидан

00.10-0

Абдурахмонов И.Ю.



М.П.

Бажарувчи номидан

Сафагараев С.М



М.П.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA

GUVOHNOMA

Reestr № **011248-10**

№ **009660**

2016 yil "24" avgust

Mazkur guvohnoma

"BOBUR BUILDINGS"

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli: **Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

THSHT (ОПФ)

152

Mulkchilik shakli: **Xususiy**

MSHT (ФС)

142

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

MHBT (COATO)

1726266

YUNUSOBOD TUMANI,

14-MAVZE, 31-UY, 17-XONADON

KTUT (ОКПО)

26518881

Yuridik shaxs kodi:

XXTUT (OKOHX)

61124

Asosiy faoliyat turi: **Montaj ishlarni bajaruvchi ixtisoslashtirilgan tashkilotlar**

STIR (ИХН)

304272244

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Kosma Repco



Vakolatli organ boshlig'i:

V.K. Mamedov



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI

FAMILİYASI

SAFAGARAYEV

İSMİ

SERGEY

OTASINING İSMİ

MARATOVICH

TUG'ILGAN SANASI

14 08 1963

MILLATI

RUS

KIM TÖMONİDAN BERİLĞAN

TOSHKENT SHAHAR XAMZA
TUMANI IIB

JİNSİ

ERKAK

TUG'ILGAN JOYI

TOSHKENT

SHAXSİYATZO / HOLDER'S SIGNATURE *



O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI / REPUBLIC OF UZBEKISTAN

PASPORT PASSPORT

TURI / TYPE

DAVLAT KODI / COUNTRY CODE

PASPORT RAQAMI / PASSPORT No.

P

UZB

AA4588693

FAMILİYASI / SURNAME

SAFAGARAEV

İSMİ / GIVEN NAMES

SERGEY



FUQAROLIGI / NATIONALITY

UZBEKİSTAN

TUG'ILGAN SANASI / DATE OF BIRTH

14 08 1963

JİNSİ / SEX

M

TUG'ILGAN JOYI / PLACE OF BIRTH

TASHKENT



BERİLĞAN SANASI / DATE OF ISSUE

08 03 2014

AMAL QILISH MUDDATI / DATE OF EXPIRY

07 03 2024

PERSONALLAŞTIRISH ORGANI / AUTHORITY

STATE PERSONALIZATION

CENTRE

P<UZBSAFAGARAEV<<SERGEY<<<<<<<<<<<<<

AA4588693UZB6308144M24030743140863002001008

MA'LUMOTLAR / OBSERVATIONS

YASHASH JOYI / ADDRESS

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш вазири
харид комиссияси раиси

6.10

И.Абдурахмонов



Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
хузуридаги харид комиссияси йиғилишининг
2-сон БАЁНИ

2022 йил “7” март

соат 10:15

Тошкент шаҳри

Раислик
қилувчи:

И. Абдурахмонов – Ўзбекистон
Республикаси Инновацион ривожланиш
вазири, харид комиссияси раиси

Иштирок
этганлар:

Инновацион ривожланиш вазирлиги харид
комиссияси аъзолари
(рўйхат бўйича).

КУН ТАРТИБИ:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 7 уйда жойлашган Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бино-иншоотларида иситиш-совутиш ва шамоллатиш тизимига тизимига техник хизмат кўрсатувчи ташкилотни аниқлаш бўйича Энг яхши таклифларни танлашдан кейинги муҳокама натижалари (кейинги ўринларда – Энг яхши таклифларни танлаш) бўйича

(Абдурахмонов, Якубов, Пардаев, Туланов, Казаков, Носиров, Муҳиддинов
Абдурахмонов,)

Кун тартибидаги масала юзасидан Харид комиссияси котиби М.Муҳиддинов сўзга чиқиб, комиссия аъзоларига қуидагиларни маълум қилди:

36082-сонли лот асосида ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш жараёни натижаларига асосан иситиш-совутиш ва шамоллатиш тизимига техник хизмат кўрсатиш бўйича голиб деб “Bobur Buildings” масъулияти чекланган жамияти (473 000 000,0 сўм) топилган ҳамда заҳира голиб сифатида “MYCOM GROUP” хуҳусий корхонаси (485 100 000,0 сўм) топилган. Мазкур натижалар асосида харид комиссиясининг 2022 йил 2 марта маҳсус ахборот порталига таклиф ва эътиrozлар учун муҳокамага қўйилди, ҳамда мазкур натижа асосида таклиф ва эътиrozлар келиб тушмади.

Шунингдек харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуенинг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур лотда иштирок этмаяпти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, натижа барча комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди ва қарор қабул қилинди.

Кун тартибидаги масалаларни ҳар томонлама чукур муҳокама қилиб, харид комиссияси қарор қиласди:

1. 36082-сонли лот бўйича энг яхши таклифларни танлаш ғолиби “Bobur Buildings” МЧЖ билан шартнома имзолансин;

2. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими танлаш жараёни бўйича ғолиб иштирокчилар билан шартнома имзоланишини ҳамда мазкур йиғилиш баённи маҳсус порталга жойлаштирилишини таъминласин;

Харид(энг яхши таклифларни танлаш) комиссияси аъзолари танлаш ўтказиш бўйича харид комиссиясининг мажлисида бир киши кам(мехнат таътили сабабли) бўлган ҳолда таркибда қатнашди ҳамда комиссия аъзоларининг улуши уч қисмдан юқорилиги сабабли танлашни ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Танлаш комиссияси қарори бўйича розилар – 100 фоиз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ. Қарор бир овоздан қабул қилинди.

Харид(танлов) комиссияси аъзолари:

А.Т.Якубов

Ю.Н.Пардаев

А.А.Туланов

А.М.Казаков

Х.А.Носиров

Комиссия котиби:

М.Р.Муҳиддинов

Баён - харид комиссияси котиби М.Муҳиддинов томонидан олиб борилди.